

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил март ойининг 7 кунда, жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг Сардоба тумани ИИБ ЙҲХБ маъмурий биносида сайёр очик суд мажлисида,

шу суд раиси Ж.Мамуровнинг раислигида,

Ш.Суюнбоевнинг котиблигида, тарафлардан Сардоба туман прокурори ёрдамчилари Ш.Нурматов ва Ж.Мўминов, жабрланувчи [REDACTED], судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси – адвокат Б.Юлдашевнинг иштирокида, [REDACTED] га оид 1-1207-2501/21 рақамли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] ( [REDACTED] ) – [REDACTED] йил [REDACTED] туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламайди, Самарқанд вилояти, [REDACTED] тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кишлоғи, рақамсиз уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 28 февралда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчини кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, тарафлар музокарасини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED] 2024 йил 23 июль куни соат 13:00 ларда Ласетти русумли, [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинани М-39 Тошкент-Термиз автомобиль йўлидан Тошкент шаҳри йўналишида бошқариб, шу йўлнинг 930 км.да Оқолтин тумани [REDACTED] МФЙ ҳудудида “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-бандидаги, йўл ҳаракати қатнашчилари йўлдаги бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги ва хавф туғдирмасликлари кераклиги; 77-банди 2-қисмидаги, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги ҳақидаги талабларини қўпол равишда бузиб, ўзи билан бир йўналишда олдинда ҳаракатланиб кетаётган [REDACTED] бошқарувидаги Кейс русумли, [REDACTED] давлат рақам белгили ғалла ўриш комбайнини ортидан бориб урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, автомашинасидаги йўловчилардан [REDACTED] ни ўртача оғир шикаст олишига сабабчи бўлган.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига тўла иқроп бўлиб, 2024 йил

23 июль куни соат 13:00 Ласетти русумли, [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинада Самарқанд вилояти, [REDACTED] туманидан йўловчиларни олиб, Тошкент шаҳрига боришида йўлда ўзи билан бир йўналишда олдинда ҳаракатланиб кетаётган ҳозирда исми шарифи унга маълум бўлган [REDACTED] бошқарувидаги Кейс русумли, [REDACTED] давлат рақам белгили ғалла ўриш комбайнини ортидан бориб урилиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этгани, натижада автомашинасидаги йўловчилардан [REDACTED] ни тан шикасти олишига сабабчи бўлгани ҳақида кўрсатув бериб, суддан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи [REDACTED] нинг йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, жабрланувчи [REDACTED] ни ўртача оғир шикаст олишига сабабчи бўлганликдаги айби, ўзининг айбига тўла иқроп бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, ишда тўпланган ва судда текширилган далиллар, жумладан:

жабрланувчи [REDACTED] нинг суддаги, 2024 йил 23 июль куни соат 13:00 судланувчи [REDACTED] бошқарувидаги Ласетти русумли, [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинада йўловчи тариқасида кетаётганида Оқолтин тумани ҳудудида автомашина олдинда ҳаракатланган комбайнга урилиши оқибатида шикастлангани, судланувчи бир маротаба қариндошларига 3.000.000 сўм миқдорида пул бериб кетгани, бошқа даволанишига кўмаклашмагани, хабар олмагани, 6 маротаба операция қилингани, 70.00.000 сўмдан ошиқ пул сарфлагани, судланувчига кўнғирок қилгани, телефони ўчирилган бўлгани, моддий зарарга даъво қилмаслиги, судланувчига энг оғир жазо тайинлашни сўраши ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек, жиноят ишида мавжуд суд мажлисида текширилган жиноят ишидаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма, судга оид тиббий экспертизаси хулосаси, судга оид трассологик экспертизаси хулосаси ва бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади.

Чунки, судланувчи [REDACTED] йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, жабрланувчидан [REDACTED] ни ўртача оғир шикаст олишига сабабчи бўлган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддаси 2-қисмида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг

муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши кераклиги;

2015 йил 26 июлдаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қарори 25-бандида, судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги тушунтирилган.

Суд, судланувчи [ ] га жазо тайинлашда унинг судланмагани, айбига тўла иқдорлиги, қисман моддий ёрдам кўрсатганини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатини йўқ деб ҳисоблаб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, жабрланувчи [ ] нинг даъвоси борлигини эътиборга олган ҳолда, унга ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан санкция доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, қилмишни автомашина бошқариб содир этгани сабабли, 45-моддасини қўллаб, барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо тайинлашни, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўтатиришни белгилашни, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддатини у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблашни, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ва транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосини ижросини назорат қилишни яшаш жойидаги ИИБ зиммасига юклатишни, эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни;

иш бўйича етказилган моддий ва маънавий зарарларни муҳокама қилиб:

жабрланувчи [ ] моддий зарарга даъво қилмаганини инobatга олишни, бироқ келгусида даъво қилиши мумкинлиги сабабли, унга моддий ва маънавий зарар бўйича асослантирувчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига судланувчига нисбатан даъво киритиб, ундириб олиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

